

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДУРДИЕВ ХАМДАМ БАЗАРБАЕВИЧ

**КОЛОСТАЗНИ ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК ВА
ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дурдиев Хамдам Базарбаевич

Колостазни жаррохлик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини
такомиллаштириш..... 3

Дурдиев Хамдам Базарбаевич

Совершенствование тактико-технических аспектов хирургического
лечения колостазов..... 25

Durdiev Khamdam Bazarbaevich

Improving the tactical and technical aspects of surgical treatment of
colostasis..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДУРДИЕВ ХАМДАМ БАЗАРБАЕВИЧ

**КОЛОСТАЗНИ ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК ВА
ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4686 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эгамов Юлдашали Сулаймонович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нуритдинов Арифжон Талибович тиббиёт фанлари доктори Оразалиев Гафур Базарбаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Колостаз (КС) ёки сурункали қабзият (СК) – даволаш қийин бўлган ва ҳаёт сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган гетероген патология ҳисобланади. Дунё бўйича ҳар йили 2,5 миллион киши шу шикоят билан шифокорга мурожаат қилади, янада кўпроқ одамлар эса бу муаммони мустақил равишда сурги дорилар қабул қилиш орқали ҳал этишга уринадилар. Шу билан бирга, сурункали колостазнинг тарқалиш даражаси 30–40% атрофида ўзгариб туради. Ҳар йили инсонлар сурги дорилар харид қилиш учун 400 миллион доллар сарфлайди.¹ Сурункали қабзиятдан индустриал ривожланган давлатларда меҳнатга лаёқатли катта ёшли аҳолининг тахминан 37–48% азият чекади, 60 ёшдан катта беморлар орасида эса бу кўрсаткич 60% гача етади. Бу эса муаммонинг нафақат муҳим тиббий-ижтимоий, балки геронтологик аҳамиятга ҳам эга эканлигидан далолат беради. Сурункали колостаз билан касалланган беморларда даволаш тактикаси учун мақбул усулни танлаш масаласи ҳанузгача мунозарали бўлиб қолмоқда. Сурункали колостаз жарроҳлиги бир асрдан зиёд тарихга эга бўлишига қарамасдан, ҳозиргача даволаш тактикаси бўйича мунозаралар давом этмоқда. Хирургик даволаш натижалари қониқарсиз функционал натижаларнинг юқори учраш частотаси (20–45%) ҳамда ичаклараро анастомозлар етишмовчилиги (10–25%) сабабли мураккаблашади. Ана шундай ҳолатлар 40–50% ҳолатларда ташрихдан кейинги перитонитга, 50–70% ҳолатларда эса ўлимга сабаб бўлади. Шу муносабат билан сурункали колостазларнинг турли шаклларини хирургик даволашда тактик-техник ёндашувларни оптималлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда сурункали колостазни хирургик даволашда ичак резекцияси ҳажми ва чегараларини аниқлаш, ичак моторикасини тиклашда функционал аъзо сақловчи ташрих усуллари ишлаб чиқиш, лапароскопик, робот-ассистентлашган ва гибрид ташрих усуллари амалиётга жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, анастомоз чоклари етишмовчилигини олдини олиш ҳамда септик асоратларни бартараф этиш учун антибиотикопрофилактика усуллари такомиллаштириш, ERAS (Enhanced Recovery After Surgery) протоколларининг жорий қилиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, шунингдек, мавжуд мета-таҳлиллар асосида турли усулларда шакллантирилган йўғон ичак анастомозларини хавфсизлигини аниқлаш учун кўп марказли тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари ва усуллари жорий этиш орқали йўғон ичакнинг турли патологияларини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб

¹ Лечение, причины и симптомы запора // <https://proctolog.ua/poleznoe/statyi/lechenie-i-dagnostika-zaporov>. - 2024.

чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш орқали сурункали колостазларнинг турли шакллари даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли хирургик колопроктологиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Колостаз (КС) ёки сурункали қабзият (СҚ) – гетероген патология бўлиб, умумий ва меъда-ичак белгилари мажмуасини ўз ичига олади [Нечай И.А., 2023³]. Колостазнинг кўплаб этиологик омиллари борлиги, одатда, оптимал даволаш тактикаси танлашни қийинлаштиради. Шу билан бирга, беморлар тегишли таъсирга эришмасдан ва мутахассисларда зарур текширувлар ўтказмасдан, мустақил даволашга уришади, натижада ишлатилган ёндашувлар етарли даражада самарали бўлмайди [Ачкасов С.И., 2018⁴]. Кўпчилик дори воситалари нисбатан заиф таъсир кўрсатади, бу эса қабул қилинган дозаларнинг асоссиз ошишига олиб келади ва шу билан бирга, жиддий мўлжаллар яратишга сабаб бўлади [Парфенов А.И., 2016⁵]. Ҳозирги вақтда терапевтик усуллар кенг қўлланилади, аммо адабиёт маълумотлари бу патологияни жарроҳлик даволаш усуллари фаол ишлаб чиқишни кўрсатмоқда. Шу билан бирга,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Нечай И.А. Лечение хронического толстокишечного стаза (запора) <https://koloproktolog.ru/stati-ozabolevaniyakh/khronicheskij-tolstokishechnyj-staz-zapor>. -2023.

⁴ Ачкасов С.И., Алешин Д.В. Осталось ли место хирургии в лечении медленнотранзитных запоров //Колопроктология. –2018. –Т.2, № 64. –С. 7-13.

⁵ Парфенов А.И., Индейкина Л.Х., Беляева А.А., Павлов М.В. и др. Хронический запор. Методические рекомендации //М. -2016. - 50 с.

колостаз (КС) ёки сурункали қабзият (СК) билан оғриган беморлар гастроэнтеролог-хирурглар томонидан алоҳида диққат билан ўрганилмоқда [Лазебник Л.Б., 2020⁶; Mearin F., 2016⁷].

Ҳолатни қийинлаштираётган жиҳат шундаки, КС ни хирургик даволашнинг қаноатлантирмайдиган натижаларининг фоизи 13-30% оралиғида ўзгаради [Сакулин К.А., 2021⁸]. Сегментар резекциялар (СР) ўтказилган беморларининг 21-40% да қабзиятнинг қайталаниши кузатилган [Tsimogiannis K.E., 2019]. Йўғон ичакнинг СР сидан кейин 8-20% ҳолатларда узоқ муддатли диарея ривожланиши, колэктомиядан кейин илео-ректоанастомоз шакллантирилганда эса бу кўрсаткич 25% га етиши, беморнинг ҳаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатади [Хатьков И.Е., 2020⁹].

Шунингдек, мавжуд адабиётни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ҳозирги вақтга қадар даволаш-диагностик алгоритмини танлаш, операция ҳажмини индивидуаллаштиришга асосланган ёндашувни асослаш бўйича жонли муҳокамалар давом этмоқда, амалиётга тайёргарлик ва операциядан кейинги бошқариш, шунингдек, йўғон ичакнинг резекцияси ҳажмини ва ичаклар ўртасидаги анастомозни шакллантириш усуллари танлаш бўйича аниқ тавсиялар йўқ. Ушбу масалаларни тадқиқ қилиш зарур, чунки улар ушбу патология бўйича даволаш натижаларини янада яхшилашга кўмаклашиши мумкин. Ушбу ҳолатлар тадқиқот ўтказишга туртки берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш орқали сурункали колостазларнинг турли шакллари даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали колостазларнинг консерватив ва хирургик даволаш натижаларини касалликнинг босқичи ва оғирлигидан келиб чиқиб ретроспектив таҳлил қилиш, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолати жиҳатлари ва сабабларини аниқлаш;

«чўктирилувчи» усулидаги инвагинацион коло-колоанастомозни такомиллаштириш ва унинг конструктив хусусиятлари ва афзалликларини сурункали колостазларни хирургик даволашда баҳолаш;

жарроҳлик тактикасига киритиш учун икки босқичли даволаш-ташхисот алгоритмини ишлаб чиқиш, жумладан, ичаклараро анастомозни

⁶ Лазебник Л.Б., Туркина С.В., Голованова Е.В. и др. Запоры у взрослых //Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. – 2020. –Т. 3, № 175. –С. 10-33.

⁷ Mearin F., Ciriza C., Minguez M. Et al. Clinical practice guideline: irritable bowel syndrome with constipation and functional constipation in the adult //Rev Esp Enferm Dig. - 2016. - V. 108. - P.32-63.

⁸ Сакулин К.А., Карпухин О.Ю. Лечебно-диагностический алгоритм при резистентных формах колоректального запора у взрослых //Вестник современной клинической медицины. –2021. –Т. 14, № 3. –С. 38-43.

⁹ Хатьков И.Е., Кузьмина Т.Н., и др. Синдром резецированного кишечника - термин, определяющий стратегию терапии нутриционной недостаточности //Доктор. Ру. – 2020. – Т. 19, № 7. – С. 59-67.

шакллантириш усуллари ва муддатлари, шунингдек, операцияга тайёргарлик ва операциядан кейинги бошқарув учун махсус чора-тадбирларни белгилаш;

сурункали колостазларнинг хирургик даволашда оптималлаштирилган жарроҳлик тактикаси ва анъанавий ёндашувларнинг натижаларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида АДТИ Клиникасининг колопроктология бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туман тиббиёт бирлашмасида сурункали қабзият (колостаз) туфайли стационар равишда даволанган 396 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сурункали колостазларни тактик-техник ёндашувларни оптималлаштиришга, йўғон ичак резекцияси ҳажми ва ичаклараро анастомоз шакллантириш усуллари танлашга асосланган хирургик даволашнинг натижалари самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали колостазларда ичаклараро узлуксизликни тиклаш усулларига боғлиқ ҳолда асоратлар ривожланиши хавфининг клиник ва тактик-техник жиҳатлари аниқланган;

сурункали колостазларда ҳаёт учун хавфли бўлган анастомоз чоклари етишмовчилигини олдини олиш учун «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомоз усули такомиллаштирилган;

сурункали колостазларда инвагинацион ва «чўктирилувчи» инвагинацион анастомозлардан фойдаланиш билан бирга хирургик тактикани оптималлаштириш билан даволаш-ташхисот тартиботи такомиллаштирилган;

оператив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатларига, ташрихгача тайёргарлик ҳамда ташрихдан кейинги даврни олиб боришга киритилган ўзгартишлар сурункали колостазларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга имкон бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали колостазларни хирургик даволаш самарадорлигини ошириш имконини берувчи «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомоз усулининг клиник самарадорлиги асосланган;

такомиллаштирилган даволаш-ташхисот тартиботи ташхислаш дастурини, колоколоанастомозларни шакллантириш муддати ва усуллари оптималлаштириш имконини бериши аниқланган;

оператив аралашувларни амалга оширишда диагностика, операциягача тайёргарлик ва операциядан кейинги даврни олиб бориш борасида фаол тактикага риоя қилиш, муддатлар ва бажариш усуллари танлашда эса индивидуал ёндашувга амал қилиш мақсадга мувофиқ экани асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усуллари

фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, сурункали колостазларда ичаклараро узлуксизликни тиклаш усуллариغا боғлиқ ҳолда асоратлар ривожланиши хавфининг клиник ва тактик-техник жиҳатлари ҳамда оператив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатлари, ташрихгача тайёргарлик, шунингдек ташрихдан кейинги даврни олиб бориш борасидаги мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида сурункали колостазларда ҳаёт учун хавfli бўлган анастомоз чоклари етишмовчилигини олдини олиш учун «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомоз усули такомиллаштирилганлиги, икки босқичли даволаш-ташхисот тартиботи ишлаб чиқилганлиги, операцияларнинг тактик-техник жиҳатлари ҳамда хирургик тактика оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали колостазларнинг турли шакллари даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: сурункали колостазларда ичаклараро узлуксизликни тиклаш усуллариغا боғлиқ ҳолда асоратлар ривожланиши хавфининг клиник ва тактик-техник жиҳатлари аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 27 августда бi-56/и-сон билан тасдиқланган “Колостазни жарроҳлик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 01/658-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 8 ноябрдаги 111-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/04-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: сурункали колостазларда ичаклараро узлуксизликни тиклаш усуллариининг қўлланилиши жарроҳликдан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайитириш ва реабилитация даврини қисқартириш имконини берган. Бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ижтимоий фаолликка эрта қайтишини таъминлаш ҳамда уларнинг умумий саломатлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: сурункали колостазларда ичаклараро узлуксизликни тиклаш усуллариға боғлиқ ҳолда асоратлар ривожланиши хавфининг клиник ва тактик-техник жиҳатларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган жарроҳлик тактикасини амалиётга жорий этиш натижасида шифохонада қолиш муддати анъанавий даволанган беморларга нисбатан (ўртача 12,4 кун),

такомиллаштирилган усул билан даволанган беморларда қарийиб 50%га, яъни ўртача 5,6 кунни ташкил қилган. Натижада, 1 нафар бемор учун шифохонада қолиш тўлови ўртача 400 минг сўмга камайган, даволаниш даврининг қисқариши ҳисобига дори-дармон харажатлари хўжалик ҳисобидан 580 мингга иқтисод қилинган. Хулоса: такомиллаштирилган жарроҳлик тактикасини амалиётга жорий этиш орқали 1 нафар бемор учун ўртача 980 минг сўмни, умумий ҳисобда ушбу усул билан даволанган тадқиқот кўламидаги 179 нафар бемор учун тахминий 175420000 сўмни иқтисод қилиш имконияти яратилган.

иккинчи илмий янгилик: сурункали колостазларда ҳаёт учун хавфли бўлган анастомоз чоклари етишмовчилигини олдини олиш учун «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомоз қўйишнинг такомиллаштирилган усули Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 27 августда 61-56/у-сон билан тасдиқланган “Колостазни жарроҳлик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 01/658-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 8 ноябрдаги 111-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/04-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомоз қўйиш усули жарроҳликдан кейинги асоратлар ривожланишини олдини олиши натижада беморларнинг тикланиш муддатини қисқартириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг ижтимоий фаолликка эртароқ қайтишига шарт-шароит яратади. Шунингдек, бу технологик янгилик миллий клиник амалиётга жорий этилиши орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга имкон яратади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот доирасида такомиллаштирилган «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомоз қўйиш усулини қўллаш натижасида шифохонада қолиш муддати анъанавий усулда ўртача 12,4 кундан 6,1 кунгача қисқартирилган. Бир кунлик ётоқ-ўрин преysкуронт бўйича 270 минг сўмни ташкил этгани ҳисобга олинса, бир нафар бемор учун ётоқ-ўрин харажатлари 3348000 сўмдан 1647000 сўмгача камайди, яъни ўртача 1701000 сўм иқтисод қилинган. Умумий дори-дармон харажатларидаги тежам бир нафар бемор учун 220500 сўмни ташкил этган. Тадқиқот кўламидаги 16 нафар бемор таҳлилига кўра анъанавий усулда анастомоз чоклари етишмовчилиги асорати туфайли қайта жарроҳлик ўтказиш эҳтимоли ўртача 8% ни ташкил қилган бўлса, такомиллаштирилган усул қўлланилган гуруҳда бу кўрсаткич 1,2% гача камайган. Бошқача айтганда, 16 нафар бемор учун анъанавий усулда тахминан 1-2 нафар беморда қайта жарроҳлик талаб қилиниши мумкин бўлса, такомиллаштирилган усул қўлланилиши натижасида ушбу эҳтиёж йўқолган. Шу орқали тахминан битта қайта жарроҳлик операциясининг олди олинган

ва бунда ўртача 3500000 сўм миқдоридаги қўшимча иқтисодий самара таъминланган. Хулоса: бир нафар бемор учун умумий иқтисодий самара (ётоқ-ўрин харажатлари, дори-дармон харажатлари ва қайта жарроҳлик эҳтиёжининг камайиши ҳисобидан) ўртача 2140250 сўмни ташкил этган. Умумий ҳисобда эса 16 нафар беморда такомиллаштирилган усул қўлланилиши натижасида жами 34244000 сўм иқтисодий самара таъминланган.

учинчи илмий янгилик: сурункали колостазларда инвагинацион ва «чўктирилувчи» инвагинацион анастомозлардан фойдаланиш билан бирга хирургик тактикани оптималлаштириш билан даволаш-ташхисот такомиллаштирилган тартиботи Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 27 августда бi-56/и-сон билан тасдиқланган “Колостазни жарроҳлик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 01/658-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 8 ноябрдаги 111-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/04-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган икки босқичли даволаш-ташхисот алгоритмининг амалиётга жорий этилиши қабул вақтиданданоқ беморлар ҳолатини баҳолаш орқали зарурат бўйича операция қўлланилиши таъминланган, бу эса беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши, уларнинг эрта функционал реабилитациясига, кундалик турмушдаги мустақиллик даражаси ва ижтимоий интеграция кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келган. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган икки босқичли ташхисот ва даволаш алгоритмининг амалиётга жорий этилиши натижасида шифохонада ётоқда қолиш муддати ўртача 12,4 кундан 6,1 кунгача қисқарди. Прейскурант бўйича бир кунлик ётоқ-ўрин харажати 270 минг сўмни ташкил қилгани ҳолда, бир нафар бемор учун ётоқ-ўрин харажатлари ўртача 1701000 сўмга камайди. Бундан ташқари, ташхисдан кейинги асоратларни олдини олиш ҳамда қайта жарроҳлик эҳтиёжининг камайиши ҳисобига дори воситалари ва тиббий материаллар сарфида ҳам қўшимча тежам таъминланди, бу бир бемор учун ўртача 439250 сўмни ташкил этди. Шу тариқа, умумий ҳисобда бир нафар бемор учун алгоритм қўлланилиши натижасида 2140250 сўм миқдорида иқтисодий самара таъминланди. Умумий ҳисобда 179 нафар беморда алгоритмни қўллаш натижасида жами 383109750 сўм иқтисодий самара таъминланди. Ушбу натижалар алгоритмнинг тиббий хизмат харажатларини оптималлаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бериши билан бир қаторда, унинг амалиётга кенг татбиқ этилиши юқори иқтисодий самарадорликка эга эканини кўрсатади.

тўртинчи илмий янгилик: оператив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатларига, ташрихгача тайёргарлик ҳамда ташрихдан кейинги даврни олиб

боришга киритилган ўзгартишлар сурункали колостазларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга имкон бериши исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 27 августда 61-56/у-сон билан тасдиқланган “Колостазни жарроҳлик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 20 ноябрдаги 01/658-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 8 ноябрдаги 111-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/04-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: оператив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатларига, ташрихгача тайёргарлик ҳамда ташрихдан кейинги даврни олиб боришга киритилган ўзгартишлар туфайли қайта жарроҳлик эҳтиёжининг камайиши ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг олди олинishiга эришилган. Бу эса беморларни соғлом ҳаёт тарзига ва меҳнат фаоллигига эртароқ қайтиш имконини яратади, уларнинг руҳий-эмоционал ҳолати ва умумий ижтимоий мослашувини яхшилаш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот доирасида оператив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатларига, ташхисгача тайёргарлик ҳамда ташхисдан кейинги даврни олиб боришга киритилган ўзгаришлар натижасида жарроҳлик аралашуви давомийлиги қисқартирилиши, операцион материаллардан самарали фойдаланиш, қон қуйиш эҳтиёжининг камайиши ва периперацион реанимацияга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига эришилган. Операция учун материаллар ва сарф-харажатларнинг тежалиши - ҳар бир бемор учун ўртача 350000 сўмни ташкил қилган, ётоқ-ўрин харажатларида тежам - операциядан кейинги реабилитация муддати қисқариши натижасида бир бемор учун 1 701000 сўм иқтисод қилинган. Дори воситалари ва периперацион реанимация материалларида тежам - бир бемор учун ўртача 500000 сўмни ташкил этган. Қайта жарроҳлик эҳтиёжининг камайиши натижасида қўшимча тежам тадқиқот доирасида 179 бемордан тахминан 10 та қайта жарроҳликнинг олди олинган, бу эса 35000000 сўм иқтисодий самарадорликни таъмаинлаўи исботланган. Умумий ҳисобда бир нафар бемор учун тўғридан-тўғри иқтисодий самара $350000 + 1701000 + 500000 = 2551000$ сўм бўлса, 179 нафар бемор учун умумий иқтисодий самара $2551000 \times 179 = 456629000$ сўм, қайта жарроҳликдан тежалган 35000000 сўмни, умумий самарадорлик 491629000 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Сурункали колостазларни хирургик даволаш муаммосининг эпидемиологияси ва ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи тақдим этилган бўлиб, унда сурункали колостазларнинг эпидемиологияси, этиопатогенези, классификацияси ва диагностикаси, шунингдек, сурункали колостазларнинг консерватив ва хирургик даволашга доир замонавий қарашлар кўриб чиқилган. адабиётлар таҳлили натижасида ҳал этилмаган вазифалар ва уларни ечиш йўллари аниқланган.

Диссертациянинг **«Клиник тавсиф ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотнинг асосини сурункали қабзият (колостаз)дан азият чекувчи АДТИ клиникасининг колопроктология бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани тиббиёт бирлашмасида стационар равишда даволанган 396 нафар бемор ташкил этди.

Қабул қилинган беморлар танланмаси шартли равишда икки гуруҳга бўлинди:

Тадқиқотни ташкил этиш белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидагича амалга оширилди: биринчи (ретроспектив) босқичда 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда сурункали колостаз (СК) билан касалланган ва “анъанавий” жарроҳлик даволаш ёндашувлари қўлланилган 172 (43,4%) нафар бемор натижалари таҳлил қилинди (солиштирув гуруҳи). Ушбу кузатув босқичи натижалари СК билан касалланган беморларда жарроҳлик даволаш натижаларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилди (жумладан, операциядан кейинги асоратларнинг хусусияти ва тез-тезлиги, йирингли-септик асоратлар, умумий хусусиятга эга бўлган асоратлар – юрак-қон томир тизими, нафас олиш аъзолари ва ҳ.к. томонидан – ҳамда ўлим ҳолатлари).

Иккинчи босқичда 2019 йилдан 2023 йилгача 224 нафар (56,6%) бемор (асосий гуруҳ)да хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомознинг модификация қилинган усули ва такомиллаштирилган даволаш-ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш амалга оширилди.

Ёш гуруҳлар бўйича таҳлилда беморларнинг катта қисми ёш (165 нафар – 41,7%) ва ўрта ёшдаги (131 нафар – 33,1%) тоифаларга мансуб экани аниқланди. Қари ёшдаги беморлар сони 77 нафарни (19,4%), қарилик ёшидагилар – 23 нафарни (5,8%) ташкил этди. 90 ёшдан юқори бўлган кексалар (узоқ умр кўрувчилар) ушбу тадқиқотда кузатилмади. Бундай «ёшга оид» хусусиятлар, айниқса, кексалар орасида сурункали колостаз билан касалланган беморларда жарроҳлик даволаш мураккаблигини янада оширади, меҳнатга яроқли ёшдаги беморларда эса ногиронлик ва ижтимоий фаолликнинг пасайишига олиб келади.

Жинсга боғлиқ ҳолда касалланиш частотаси таҳлили шуни кўрсатдики, сурункали колостаз билан аёллар эркакларга нисбатан анча кўпроқ жабр чеккан – 74,5% аёллар ва 25,5% эркаклар (таққослаш нисбати тахминан 4:1).

Касаллик давомийлиги бўйича таҳлилга кўра, 183 нафар (46,2%) беморда касаллик муддати 1 йилгача, 113 нафарда (28,5%) – 1 йилдан 5 йилгача бўлган. Асосий қисми – 714 нафар бемор (61,9%) – ана шундай муддат оралиғида бўлган. 6 йилдан 10 йилгача давом этган ҳолатлар 62 нафарни (15,7%) ташкил этган. Энг ташвишли ҳолатлар шундан иборатки, 38 нафар (9,6%) бемор 10 йил ва ундан ортиқ муддат давомида сурункали колостаздан азият чеккан.

Ҳамроҳ терапевтик касалликлар орасида етакчи ўринни юрак-қон томир тизими хасталиклари эгаллади – 112 нафар (28,3%) беморда. Жумладан, юрак ишемик касаллиги (ЮИК) 34 нафарда (8,6%), гипертония касаллиги 52 нафарда (13,1%), стенокардия ва атеросклероз эса 26 нафарда (6,6%) аниқланган.

Компенсация даражасига кўра сурункали колостаз (СК) формалари таҳлил қилинганда, 83 нафар (21,0%) беморда дефекация ритмининг секинлашуви билан кечувчи, сийдик келиши 3 кунгача кечикадиган, қорин оғриғи кам ҳолларда кузатиладиган компенсацияланган форма аниқланган.

59 нафар (14,9%) беморда эса дефекация 3–7 кунга кечикиши, қорин оғриғи ва баъзи бир ичакдан ташқари белгилар билан намоён бўлган субкомпенсацияланган форма кузатилган.

Энг кўп қайд этилган ҳолат – 254 нафар (64,1%) беморда декомпенсацияланган форма бўлиб, у сийдик келишининг 7 кундан ортиқча кечикиши, кучли қорин оғриғи, кўплаб ичакдан ташқари намоён бўлишлар, автоинтоксикация ва узоқ муддатли меҳнатга лаёқатсизлик билан характерланади.

Сурункали колостаз (СК)да 83 нафар (21,0%) бемор консерватив даволашга, 313 нафар (79,0%) эса жарроҳлик даволашга муҳтож деб топилган. Улар орасида транзитор шакл 59 нафарда (14,9%), аралаш шакл эса 254 нафарда (64,1%) кузатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сурункали колостазнинг жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган ҳолатлари фақат қайта-қайта ўтказилган мураккаб консерватив даволаш самарасиз бўлган, шу билан бирга, йирик ичакда унинг узайиши каби иккиламчи ўзгаришлар клиник ва инструментал усуллар билан тасдиқланган беморларда учраган.

Жарроҳлик даволашга муҳтож сурункали колостаз шакллари орасида энг кўп долихосигма – 143 нафар (36,1%) беморда аниқланган. Бошқа шакллардан мегаколон 60 нафарда (15,2%), чап томонли долихоколон 79 нафарда (19,9%), ўнг томонли долихоколон 31 нафарда (7,8%) кузатилган, нормал ўлчамдаги йўғон ичак билан кечадиган сурункали колостаз эса 83 нафар (21,0%) беморда қайд этилган.

Диссертациянинг «**Колостазларнинг клиник кечиши хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида анъанавий ёндашувларда бажарилган операцияларнинг хусусияти таҳлил қилинган, жарроҳлик тактикасининг камчиликлари аниқланган, шунингдек, «чўктирилувчи» инвагинацион коло-колоанастомознинг модификация қилинган усули ва такомиллаштирилган даволаш-ташхисот алгоритми тақдим этилган.

Солиштирув гуруҳига кирган 172 нафар беморда анъанавий ёндашувлар асосида даволаш ўтказилганда, 38 нафарда (22,1%) консерватив даволаш, 134 нафарда (77,9%) эса жарроҳлик аралашувлари амалга оширилган. Консерватив даволаш, асосан, ёш беморларга, касалликнинг қисқа давомийлиги, ҳамроҳ патологиялар мавжудлиги ва компенсирланган форма кузатилган ҳолатларда қўлланилган.

Солиштирув гуруҳидаги (172 нафар) сурункали колостаз (СК) билан жарроҳлик даволашга муҳтож бўлган 134 нафар беморда анъанавий ёндашувларга асосланиб, асосий эътибор радикал ва катта ҳажмли жарроҳлик аралашувларига қаратилган. Жумладан, тотал колэктомия 19 нафарга (14,1%), субтотал колэктомия 30 нафарга (22,4%) қўлланилган. Энг кўп учраган операция тури – сигмасимон ичакни резекция қилиш бўлиб, у 48 нафар (35,8%) беморда бажарилган. Бошқа турдаги операциялардан чап томонлама гемиколэктомия 24 нафарга (17,9%), ўнг томонлама гемиколэктомия эса 13 нафарга (9,7%) қўлланилган (1-жадвал).

1-жадвал

Таққослаш гуруҳида амалга оширилган жарроҳлик операцияларининг хусусияти

Операция хусусияти	Жами (n=134)	
	абс	%
Колонэктомия	19	14,1
Субтотал колонэктомия	30	22,4
Сигмасимон ичак резекцияси	48	35,8
Чап томонлама гемиколонэктомия	24	17,9
Ўнг томонлама гемиколонэктомия	13	9,7
Жами:	134	100


Ретроспектив баҳолаш нуқтаи назаридан солиштирув гуруҳида сурункали колостаз билан касалланган беморларга нисбатан анъанавий жарроҳлик ёндашувларига амал қилинган ҳолда, асосий эътибор радикал операцияларга қаратилган. Жумладан, тотал колэктомия (14,1%) ва субтотал

колэктомия (22,4%) ҳолатлари жами 49 нафарни (36,6%) ташкил этган. Таҳлил натижаларига кўра, бундай аралашувлар кўп ҳолларда юқори асоратлар даражаси билан кечган. Ушбу ҳолатлар асосий гуруҳ беморларида жарроҳлик тактикасини қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.


Биз томонимиздан “охири охирига” «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомознинг модификация қилинган усули ишлаб чиқилган ва 16 нафар беморда қўлланилган (Ихтиро учун патент №IAP 7807).

Ушбу усул қуйидагича амалга оширилади: эндотрахеал наркоз остида, операция майдони спирт ва йод эритмалари билан ишлов берилгандан сўнг, ўрта чизик бўйлаб лапаротомия қилинади ва қорин бўшлиғи органлари ревизияси ўтказилади. Ичак бўшлиғи очилишидан олдин, иш майдони гигроскопик материал билан эҳтиёткорлик билан чекланади. Кейин, ўзгарган йўғон ичак қисми резекция учун мобилизация қилинади ва олиб ташланади. Шундан сўнг, йўғон ичакнинг олиб келувчи ва олиб кетувчи учлари бири-бирига қийос қилинади ва икки учда ҳам фиксацияловчи «тутгич» чоклар қўйилади. Ичаклар атрофига сероз-мушак-қатлам ва шиллиқ ости қатламни қамраб олувчи №3 ёки №4 атравматик игна ёрдамида тугунли чоклар қўйилади. Бу йўл билан ичак деворининг номдош қатламларини бирлаштириш таъминланади ва чок орқали ривожланиши мумкин бўлган “фитиль эффекти” олди олинади.

Сўнг, ичак атрофига шиллиқ қаватни қўшиб олмаган ҳолда иккинчи қатор сероз-мушак-шиллик ости чоклари (сиртки қават чоклари) қўйилади (1- ва 2-расмлар).



1-расм. Биринчи қатор сероз-мушак-шиллик ости тугунли чокларни қўйиш



2-расм. “Охири охирига” тамойили асосида «чўктирилувчи» инвагинацион колоколоанастомозни шакллантириш билан иккинчи қатор чокларни қўйиш

Ушбу усулнинг афзаллиги ва асосий фарқли жиҳати – ичак деворининг номдош (анатомик бир хил) қатламларини ўзаро бирлаштиришдан иборат бўлиб, бу йўғон ичакнинг кесилган учларини Баугин клапани типига инвагинация билан мослаштириш имконини беради. Бу эса ичаклар бўшлиғидаги босим ўзгариши пайтида биринчи қатор чоклар чизигига тушадиган юкломани сезиларли даражада камайтиради. Шунингдек, номдош тўқималарни бирлаштириш принципага риоя қилиниши анастомознинг бирламчи битишига ёрдам беради, бу эса анастомознинг механик ва биологик мустаҳкамлигини оширади ҳамда “фитиль эффекти” – яъни ички


қатламдаги бактерияларнинг ташқарига чиқишини олдини олади. Операция санация, дренаж ўрнатиш ва қорин бўшлиғини тугунли чоклар билан тикаш орқали яқунланади. Модификация қилинган ушбу усул ичакнинг бирлаштирилаётган бўлимларидаги номдош тўқималарни оптимал пластик бирлаштириш тамойилларини яратади. Бу эса анастомознинг битиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, колоколоанастомоз чокларининг етишмовчилиги хавфини минимал даражага туширади ва йўғон ичакда ишончли анастомоз яратилишини таъминлайди. Шунингдек, Баугин клапанига ўхшаш “янги” сунъий клапан шаклланади, анастомознинг герметиклиги ва механик мустаҳкамлиги ошади, анастомозитлар, анастомоз стенозлари ва қорин бўшлиғидаги йирингли асоратлар частотаси камаяди.

